

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

31.05.2022 й.

9 -сон

Зиёвуддин ш.

Кейинги ўринларда “Сотувчи” деб аталадиган “VIP YANGI TONG” МЧЖ номидан Ш.Шарипова (устав) орқали бир томондан, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб аталадиган Пахтачи туман маҳалла ва оилани куллаб куватлаш булими иккинчи томондан _____ кўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Шартномада товар деб номланувчи кўйидаги махсулотлар:

№	Товар номи	Ул.бир.	Миқдори	Нархи	ҚҚС суммаси	Суммаси
1.	Арматура	тонна	1,5	9 537 701	1 866 073	14 306 553
2.	Кирпеч жённий	1000шт	46	1 092 500	6 555 000	50 255 000
3.	Профнастель	м3	320	62 001	2 587 868	19 840 320
4.	Брус хвойной парода	м3	13	3 845 000	6 519 782	49 985 000
5.	Доска обрезная	м3	4	3 880 000	2 024 348	15 520 000
	Жами	X	X	x	19 553 071	149 906 873

иккала тараф ўртасида тузилаётган шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Товарнинг кафолат муддати 3 йил. Кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайтдан, товар алмаштирилганда эса янгидан ўта бошлайди.

1.3. Жами 149 906 873 (Бир юз қирқ тукқиз миллион тукқиз юз олти минг саккиз юз етмиш уч) сўм. Товар ҳақи шартнома тузилган пайтдан бошлаб тўланиши лозим.

1.4. Агар товардан фойдаланилмаган, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган бўлса ва сотувчидан сотиб олинганининг исботи бўлса, сотиб олувчининг товарни алмаштириш ёки кайтариб олиш ҳақидаги талаби қаноатлантирилади.

1.5. Сотиб олувчи ўзига товар топширилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида харид қилинган тегишли сифатли товарни харид жойида ўлчами, шакли, ҳажми, андозаси, ранги, тўплами бошқача бўлган худди шундай товарга алмаштириши мумкин. Бунда у нархларда фарк бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китобни амалга оширади. Агарда сотувчида алмаштириш учун зарур товар бўлмаганида сотиб олувчи харид қилинган товарни сотувчига кайтариб бериш ва унга тўланган пул суммасини олиш ҳуқуқига эга.

1.6. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг ҳар бири бир хил кучга эга.

1.7 Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% тулаш, қолган 70% қисмини махсулотни қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун давомида тулаш йўли билан амалга оширилади

2. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Сотувчининг ҳуқуқлари:

- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;

- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.

2.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- сотиб олувчи талаб қилган ҳолларда товар тўғрисида унга зарур ва тўғри ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ёки чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бериш;

- товарни сотиб олувчига мулк қилиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;

- учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;
- товарни шартномада кўрсатилган ассортиментда топшириш;
- товарни мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари билан бирга топшириш;
- шартномада кўрсатилган бут товарни топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган ҳолда

топшириш;

- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш.

2.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:

- товар тўғрисида зарур ва тўғри ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ёки чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда беришни;

- шартнома тузилгунга қадар товарни кўздан кечириш, ўз олдида товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишни кўрсатишни;

- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни;
- товарни шартномада кўрсатилган ассортиментда топширишни;
- товарни мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари билан бирга топширишни талаб қилиш.

2.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- сотиб олган товар ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни қоплаш;
- сотувчи томонидан товарни сақлаш учун қилинган зарур харажатларни тўлаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

3. Шартнома бўйича жавобгарлик

3.1. Агар сотиб олувчига унинг талабига кўра сотиш жойида дарҳол товар тўғрисидаги ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарни кўздан кечириш, товарнинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланишни кўрсатишни талаб қилиш ҳуқуқи таъминланмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани кайтаришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар олувчи бу камчиликлар сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун ҳам, агар сотиб жавобгар бўлади.

3.2. Агарда товар сотиб олувчига идишсиз ва ўрамаган ҳолда ёки тегишли идишга жойламаган ва тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва ўрашни алмаштиришни талаб қилиш ёки бу талабларни қўйиш ўрнига ушбу шартноманинг 3.3-банди биринчи қисмидаги талабларни қўйишга ҳақли.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хохишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча қайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўрнини қоплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар кўриниши ёқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

3.4. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди.

3.5. Агарда сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, ассортиментни, сифати, бутлиги, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилмаса, сотувчи шартлар бузилганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

4. Форс-мажор ҳолатлар

4.1. Сотувчи форс-мажор ҳолатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўсқинлик қилувчи енгиб бўлмас куч таъсири: электр ўчиши натижасида юзага келадиган куйиш, товар етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиш, ёнғин чиқиши, сув тегиши натижасида бузилиши ва бошқа ҳолатлар) натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

5. Тарафларнинг реквизитлари

«СОТУВЧИ»
“BIP YANGI TONG” МЧЖ

Манзил: Пахтачи тум. Жаҳнобод МФЙ
р/с: 20208000405469143001
Банк: АТБ Микрокредитбанк Пахтачи
туман филиали
Код банки: 00298
ИИН: 5091056, ОКЕД: _____



Ш. Султонова

«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Пахтачи туман маҳалла ва оилани қуллаб
куватлаш булими

Манзил: Пахтачи тум. Истиклол
шхр: 10002286017011402259002
Банк: Марказий банк ХККМ
Тошкент шаҳар филиали
Код банки: 00004
ИИН: 2071700, ОКЕД: 97200



Г. Бобоназарова

Г. Бобоназарова